XIX–XX АСРЛАРДА МИЛЛИЙ СОЗГАРЛИК САНЪАТИ: АНЪАНАЛАР ВА МАҲОРАТ

Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи Музей буюмлари ва фонд тўпламларини қайд этиш ва рўйхатга олиш бўлими ходими
Гафурова Камола Мирсалиевна
Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи Музей буюмлари ва фонд тўпламларини қайд этиш ва рўйхатга олиш бўлими катта илмий ходими ***Абрарова Гулчеҳра Эркиновна***

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек миллий чолғуларининг тарихий тараққиёти, анъанавий созгарлик санъати ва XX аср бошларида чолғуларни такомиллаштириш жараёнлари ёритилади. Шунингдек, уста Усмон Зуфаровнинг миллий чолғуларни яратиш, безаш ва уларнинг ижровий имкониятларини кенгайтиришга қўшган ҳиссаси таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Миллий чолғулар, чолғу ижрочилиги, созгарлик санъати, товуш диапазони, хроматик товушқатор, тембр, реконструкция, ижровий-техник имкониятлар, хомашё, акустик хусусиятлар.

Аннотация. В статье рассматриваются историческое развитие узбекских национальных музыкальных инструментов, традиции их изготовления и процессы совершенствования в начале XX века. Особое внимание уделяется деятельности мастера Усмана Зуфарова, его вкладу в создание, художественное оформление и совершенствование национальных музыкальных инструментов, а также расширение их исполнительских возможностей.

Ключевые слова: Национальные музыкальные инструменты, инструментальное исполнительство, искусство изготовления музыкальных инструментов, звуковой диапазон, хроматический звукоряд, тембр, реконструкция, исполнительско-технические возможности, сырьё, акустические свойства.

Abstract. The article examines the historical development of Uzbek national musical instruments, traditional instrument-making craftsmanship, and the processes of their improvement in the early 20th century. Particular attention is paid to the work of master craftsman Usmon Zufarov, his contribution to the creation, artistic decoration, and enhancement of national musical instruments, as well as the expansion of their performance capabilities.

Keywords: National musical instruments, instrumental performance, musical instrument-making, sound range, chromatic scale, timbre, reconstruction, technical and performance capabilities, raw materials, acoustic properties.

Ўзбек миллий чолғу ижрочилиги санъати ўз тараққиёти давомида кўп асрлик анъаналарни мерос қилиб олган. Унинг илдизлари қадимги даврларга бориб тақалади. Дастлабки мусиқа чолғулари инсоннинг табиат ҳодисалари ва товушларига, жумладан, қушлар сайраши, сув оқими ва шамол шовқинига тақлид қилишга бўлган интилиши натижасида шаклланган бўлиши мумкин. Инсоннинг турли товушларни ҳосил қилиш ва уларни муайян тарзда ифодалашга интилиши мусиқа санъатининг дастлабки кўринишлари ҳамда чолғу асбобларининг вужудга келиши учун замин яратган.

Абу Наср Форобийнинг илмий меросида мусиқа назарияси ва чолғу асбобларини ўрганиш масалалари муҳим ўрин эгаллайди. Олим ўзининг «Китоб ал-мусиқо ал-кабир» асарида мусиқанинг назарий асослари, чолғу асбобларининг тузилиши ва ижровий имкониятларини ёритиб, уд

чолғусининг хусусиятларига алоҳида эътибор қаратган. Шунингдек, турли халқларнинг мусиқий анъаналари ва чолғу асбоблари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилган. Миллий чолғуларимизнинг бизгача етиб келишида бир қанча созгар усталарнинг хизматлари бениҳоя катта аҳамият касб этади. Жумладан: Уста Усмон, уста Тошбой Султон ўғли, уста Тўра, уста Абдужаббор, уста Ҳожи Охун, уста Азимхон Содиқхон ўғли, уста Хўжахон Содиқхон ўғли, уста Мўминбек, уста Тоир, уста Иноят махсум Абдулла ўғли ва бошқалар бу соҳада беназир хизмат қилдилар. [1]

Юқорида номлари келтирилган созгар усталар миллий маданиятимиз тараққиёти йўлида бутун умр меҳнат қилдилар ва бугунги чолғуларимизнинг бизгача етиб келишида кўприк воситасини бажарди. Созгар усталар миллий маданиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб, анъанавий чолғуларнинг бугунги кунгача етиб келишини таъминлаганлар. Улар чолғу ясаш билан бирга, мавжуд асбобларни реконструкция қилиш ва такомиллаштириш ишларини ҳам олиб борганлар. Бу жараённинг асосий мақсади чолғуларнинг товуш сифатини яхшилаш, ижровий-техник имкониятларини кенгайтириш, хроматик товуш қаторни жорий этиш ва товуш диапазонини оширишдан иборат бўлган.

Миллий чолғу асбобларини ясашда хомашёни тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. Анъанавий созгарликда тут, ўрик, ёнғоқ, арча, чинор, тол ва бошқа дарахт ёғочларидан фойдаланилган. Усталар чолғу тури ва қисмларига мос ёғоч танлаш, уни қуритиш ва сақлаш усулларига алоҳида эътибор қаратганлар. Шунингдек, чолғуларни тайёрлашда суяк, металл, лой, тош, тери, қамиш ва сунъий материаллар ҳам қўлланилган. Қадимги усталарнинг сири - «куйлайдиган дарахт»ни тўғри танлашда,

[1] С.Жумаев. “Соз ва созгарлик”. Вестник Государственного института искусств и культуры Узбекистана. 2018 йил https://slib.uz/ru/article/224)

олма, ўрик, қайрағоч, ўрмон ёнғоғи ёки тут дарахтининг ёғочи қайси асбобга мос келишини аниқлашда бўлган. Баъзи мутахассислар ушбу дарахтларни ўз боғларида етиштиришган. Дарахтлар рубоб ёки танбур тайёрлаш учун яроқли ҳолатга келгунича йиллар эмас – ўнлаб йиллар ўтади. Ёғоч бўлаклари бир текисда қуриши учун уларни йиллар давомида қуруқ қумда сақлаб, кейин яна қуёш тиғида ёки печда қуритишган. Бундай дарахтларни оҳиста чертиб кўрган уста аввал уларнинг товушини тинглаб кўрган ва қулоғига чалинган товушларга кўра унинг дутор, ғижжак ёки доира каби асбоблардан қайси бирига кўпроқ мос келишини аниқлаган.

Миллий чолғуларнинг бугунги кунда мусиқий амалиётда кенг қўлланилиши, бой ижровий имкониятлари ва жаҳон маданиятидаги алоҳида ўрни уларнинг юксак аҳамиятини белгилайди. Якка, қўш, ансамбль ва оркестр таркибида ижро этилиши ўзбек халқ чолғуларининг техник имкониятлари, ижровий ранг-баранглиги ва профессионал даражасини намоён этади.

Сўнгги юз йил давомида ўзбек мусиқашунослигида миллий чолғуларнинг тузилиши, ижровий имкониятлари ва такомиллашувини ўрганишга қаратилган қатор илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Миллий чолғуларни замонавий ижрочилик талабларига мослаштириш жараёни XX асрнинг 1920–1930-йилларида бошланди. Бу борада Шораҳим Шоумаров, Матюсуф Харратов ва Усмон Зуфаров муҳим ташаббус кўрсатдилар. Улар чолғуларнинг жарангдорлигини ошириш, товуш диапазонини кенгайтириш ва ижровий имкониятларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратдилар. Мазкур жараён миллий чолғуларни такомиллаштириш билан бир қаторда, малакали созгар-усталар тайёрлашнинг ривожланишига ҳам замин яратди.

Миллий мусиқий чолғуларимиз дастлаб фақатгина хона шароитида ижро этишга мўлжалланган бўлиб, уларнинг тембр хусусиятлари ҳам айнан шунга мос эди. Аста-секин чолғуларида кенг давралар ва катта саҳналарда ижро этишга тўғри келади. Мавжуд чолғулар эса давр талабига жавоб бермай қолди. Шунда созанда, ҳофиз ва созгар усталар чолғулар товушини кучайтиргич кераклигини тушуниб етадилар ва ўзларининг илк ғояларини амалга ошира бошлайдилар. Натижада дутор, танбур ва ғижжакларнинг бир неча тажрибавий турлари яратилади. Дутор чолғусини давр талабига мослаштириш, яъни уни такомиллаштиришга беназир созгар уста Уста Усмон Зуфаровнинг хизматлари беқиёсдир. [2]

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, шарқ мусиқа асбоблари устаси, ўймакор наққош уста Усмон Зуфаров 1892 йилда Тошкент шаҳрида дунёга келган. 1926 йилда Тошкентдаги Радио уйи қошида Юнус Ражабий ташкил этган миллий ансамблга анъанавий ва катта чолғулар ишлаб берган. 1930-1933 йилларда «Музигрпром» артелида ишлаб наққош Абдумутал Турсунбоевдан ёғоч ўймакорлик санъатини ўрганган ва уни миллий чолғуларига жорий қилган. 1936 йилда у янги сато чолғусини яратган. 1936 йил охирларида Филармония буюртмаси асосида Москвада ўтказилган Декада чолғуларини барчасини Абдурахим Зуфаров, Мирвали Мирзаев ва Зайниддин Соипов каби усталар билан бирга тайёрлаган. [3]

Уста Усмон халқ чолғуларини ясаш, такомиллаштириш ва безаш бўйича катта тажрибага эга бўлиб, зарбли, дамли ва торли чолғуларни ҳам чалган. У бутун умрини миллий чолғу созгарлигига бағишлаб, уларнинг ижровий имкониятларини кенгайтириш устида изланишлар

[2] Муаллиф: Азимжонова Гулҳаё. “Уста Усмон Зуфаров ва илк ғоя асосчилари томонидан дуторнинг такомиллаштириш жараёни”. “Маданият ва санъат”журнали №1 2005 йил. https://doi.org/10.5281/zenodo.

[3] 255-бет. “З”ҳарфи. “Ўзбекистон ҳунармандчилиги ва амалий санъати”. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2016 йил. 1-том.

олиб борган. Хусусан, дуторнинг товуш жарангдорлигини ошириш мақсадида унинг косасини кенгайтириш ва деворларини ингичкалаштириш усулини қўллаган.

Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи экспозициясидан ўрин олган асбоблар таниқли усталар У.Зуфаров, А.Зокиров, А.Абдуллаевлар томонидан тайёрланган. Машҳур ҳунармандлар томонидан яратилган ноёб асбобларни нафақат овозининг ўзига хос тембрлари, балки корпусининг нафис шакли, қимматбаҳо ёғочга ишланган чиройли ўймакорлиги ёки нақшларининг меҳр билан чизилгани, суяк ва марварид ўрнатилган қадама нақшлари орқали ҳам таниб олиш мумкин. [4]

Хулоса қилиб айтганда, XIX–XX асрларда ўзбек миллий созгарлик санъати анъанавий ҳунармандчилик тажрибаси ва усталар маҳорати асосида ривожланиб, чолғуларни ясаш, бадиий безаш ва такомиллаштириш жараёнлари билан бойиди. Айниқса, XX аср бошларида уста Усмон Зуфаровнинг фаолияти миллий чолғуларнинг ижровий имкониятларини кенгайтириш ва созгарлик анъаналарини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азимжонова Гулҳаё. “Уста Усмон Зуфаров ва илк ғоя асосчилари томонидан дуторнинг такомиллаштириш жараёни”. “Маданият ва санъат”журнали. №1 2005 йил. https://doi.org/10.5281/zenodo.
2. “Ўзбекистон ҳунармандчилиги ва амалий санъати”. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2016 йил. 1-том.
3. С.Жумаев. “Соз ва созгарлик”. Вестник Государственного института искусств и культуры Узбекистана. 2018 йил. https://slib.uz/ru/article/224

[4] 192-193 б. “Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи тўплами” (Тошкент). XXXIX –том. “Ўзбекистон маданий мероси”. “Silk Road Media”, “East Star Media”нашриётлари. 2021 й.

4. “Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи тўплами” (Тошкент). XXXIX –том. “Ўзбекистон маданий мероси”. “Silk Road Media”, “East Star Media”нашриётлари. 2021 й.